

ИСОҚЖОН НИШОНОВ

# НИКОҲСИЗ ТАҚИЛГАН УЗУК

*Роман*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент

2017

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(5Ўзб)7**

**Й – 75**

**Нишонов, Исоқжон**

Никоҳсиз тақилган узук / Роман. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2017. – 208 б.

ISBN 978-9943-27-883-7

«Афғон шамоли» туркумида чоп этилган романлар муаллифи Исоқжон Нишоновнинг ушбу асари ҳам афғон урушида қатнашган юртдошларимиз, уларнинг аянчли тақдирлари, фарзанд, ёр доғида не азоб-уқубатларни бошидан кечирган яқинлари кечмиши ҳақида.

Ўз Ватанининг, оиласининг устун, ҳимоячиси – эркак киши қўрқоқ, сотқин, номард бўлса, бу нафақат ота-онани, балки бутун бир миллатни ҳам иснодга қўяди.

Китобда афғон юртида қон тўккан беғуноҳ ўғлонларнинг қул сифатида кечирган ҳаётлари, тирик қолиш учун баъзи бирларининг мунофиқликлари турли воқеалар асосида таъсирчан ёритилган.

Асар йигитлар қалбида мардлик, шижоат, садоқат туйғуларини тарбиялаши билан ҳам ўта аҳамиятлидир.

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(5Ўзб)7**

ISBN 978-9943-27-883-7

© И.Нишонов, «Никоҳсиз тақилган узук». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

## ТАШВИШЛИ ХАБАР

20... йилнинг кузида хорижий давлатларнинг бирида кўп нусхада чоп этиладиган газетада ярим саҳифали мақола эълон қилинди. Мухбир Афғонистоннинг чекка ҳудудларидаги тоғларнинг биридаги фор ичида олтин кони топилгани, Усмон исмли тиллафуруш ўн беш нафар ишчиси билан олтинларни қазиб олаётгани ҳақида ҳикоя қилганди. Бундай мақолалар шов-шув кўтаришга одатланган газеталарнинг деярли ҳар сониди эълон қилиниши, маълум муддат ўқувчилар ўша мақолалар таъсиридан чиқолмай юришлари табиий. Бироқ бу гал ўқувчиларни олтинлар эмас, балки уни қазиб олаётган ишчиларнинг тақдири кўпроқ қизиқтирганди. Мухбирнинг ёзишича, ишчиларнинг барчаси Шўро ва афғон аскарлари эди. Улар уруш даврида асирга олинган ва кейинчалик Усмон исмли тиллафуруш томонидан тўрт юз-беш юз минг доллардан сотиб олинган эди. Мақола сўнгида Собир исмли аскар билан қилинган суҳбат ҳам берилганди. У ўзининг кимлигини қисқача айтиб, кондан қазиб олинаётган олтинлар ҳақида кўпроқ гапирган. Суҳбат сўнгида «Сиз Ватанингизга қайтишни истайсизми», деб берилган саволга у: «Мен ўз ватанимни мана шу фор ичидан топдим», деб жавоб қайтарган. Мақолада Собирнинг сурати ҳам берилганди...

Ушбу мақола махсус хизмат идораси ходимларининг эътиборини жалб этди. Собирнинг шахсига оид маълумотлар жамланиб, ўрганишга киришилди.

## **Махсус бўлимда**

Полковник Йўлдошев Собир ҳақидаги маълумотларни йиғишга киришди. Туман мудофиа бўлимидан берилган хабарномада Собир Равшан ва Наил исмли йигитлар билан бир қисмда хизмат бурчларини ўташгани маълум бўлди. Рота командири Михаил Алексеевич Кузьмичевнинг шахсига оид маълумотлар ҳам жамланди. Михаил Собирнинг ўлими қайд қилинган куни оғир яраланган ва махсус самолётда Тошкентдаги ҳарбий госпиталга жўнатилаганди. Даволаниб, юрти Краснодар ўлкасига жўнаб кетганди. Орадан бир ой ўтиб, унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Йўлдошев федерал хавфсизлик хизмати Краснодар ўлка бошқармасига Кузьмичевдан Собирнинг тақдири ҳақидаги фикрларини ўрганиб, маълумотнома жўнатишларини сўраб, шошилинч топшириқнома юборди. Ўзи Наил Ҳотамов яшаётган вилоятга бориб, у билан суҳбатлашишга қарор қилди. Ходимлар полковникни қизиқтирган шахс ҳақида қисқача маълумотнома тайёрлашди.

## **Маълумотномадан**

Наил Ҳотамов 1964 йилда туғилган. 1982 йили Совет армияси сафига хизматга чақирилиб, хизматни Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари таркибида ўтаган. 1983 йилнинг 29 майида мужоҳидлар билан бўлган жангда Қандахор шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бирида яраланган. Мужоҳидлар уни ва шерикларини асирга олиб, Покистоннинг Пешовар вилоятидан ўн чақирим наридаги ҳар икки давлат оралиғидаги Бадабер қишлоғига жойлашган лагерга келтириб ташлашган. Қўзғолон пайтида тутқунларнинг барчаси артиллерия ва

ҳарбий самолётлардан ўққа тутилган. Тутқунлар йўқ қилинган. Уч аскар яраланиб, ер ости биноси ичида қолиб кетган, Ҳотамов ҳамда унинг шериклари мужоҳидлар томонидан бошқа лагерга олиб ўтилган. Кейинчалик Бурҳониддин Раббонийнинг топшириғи билан учала асир озод қилинган. Ҳотамов 1991 йили қишлоғига қайтиб келган.

Йўлдошевнинг умиди Ҳотамовдан эди. Биргина у Собирнинг тақдири ҳақида маълумот бериши ва қўнғида туғилган ягона умиднинг нечоғлик ишончли эканлигига ҳукм ўқиши мумкин. Эртаси кунни полковник афғончи яшаётган қишлоққа жўнади. Излаб келган одами тоққа чиқиб кетган экан, кечгача кутди. У оқшом ғира-ширасида қайтди. Полковник ўзини таништириб, ташрифининг сабаби ҳақида гапириб берди.

– Биз у билан бир қисмда хизмат қилганмиз. Лекин взводимиз бошқа бўлгани учун ҳафталаб кўришмасдик, – деди Ҳотамов ўша йиллардаги воқеаларни эслаб.

– Сўнги бор қачон ва қаерда кўришгансизлар?

– Бизни мой олиб келиш учун Қандаҳорга жўнатишди. Олтита машинани иккита БТР ҳамда ўттизта аскар кўриқдаб борардик. Собир ҳам биз билан бирга эди. У орқадаги БТРда келарди. Разведкачиларимизнинг маълумотига қараганда, йўл душманлардан тозаланганди. Шу сабабли ўзимизни хотиржам ҳис этиб борардик. Биз яхшигина қуроллангандик. БТРларда яқинда ишлаб чиқарилган янги пулемётлар бор эди. Бу қурол ҳар қандай вазиятда ҳам душман қўлига тушиши мумкин эмасди. Агарда ўққа тугиладиган бўлсак, уни йўқотишимиз шарт эди. Икки тоғ оралиғидан ўтиб бораётганимизда мужоҳидлар бизларни қўққисдан ўққа тутиб қолишди. Гранатамёддан отилган ўқлардан бири БТРнинг олд томонига тегди. Машина ишдан

чиқди. Мотор ўчди. Машиналардан иккитаси портлади. Отишма бошланди. Душманлар қулай жойга ўрнашиб олганди. Тепадан туриб бизларни нишонга олиш ўнғай эди. Мужоҳидлар отган ўқларнинг кўпи аскарларга тегарди. Ўқлардан бири командиримизни йиқитди. У йўл устида ётарди. Эмаклаб бориб, уни судраб, тошлар панасига олиб ўтдим. Командирликни зиммамга олдим.

БТРдаги пулемёт ёдимга тушиб қолди. Эмаклаб бориб уни олиб тушдим ва душманларни ўққа тутдим. Отилган ўқлар тошларни ўпириб, титиб ташларди. Жанг узоқ давом этди. Ўн олти аскар қолгандик. Душманлар бизни ҳар томондан ўраб келишарди. Ўқи тугаган пулемётни тошлар орасига яширдим. Мужоҳидлар ҳаммамизни асирга олишди. Қўлларимизни ва кўзларимизни боғлаб, тоғ ичидаги йўлдан номаълум томонга олиб кетишди. Узоқ юрдик. Кўзимни очишганда саҳро ўртасида тиканли сим билан ўралган жойга етиб келганимизни билдим. Бу Покистон ҳудудига қарашли Пешовар вилоятидан 10 чақирим ичкарида, Афғонистон чегарасидан эса 20 чақирим ташқаридаги Бадабер қишлоғи эди. Бизни тутқунликда ушлаб турган лагернинг номи ҳам Бадабер эди. Унга ўта жаҳддор, шафқатсиз жангари Холид ибн Валид раҳбарлик қиларди.

Асирга олинган совет ва афғон армиясининг аскарлари ер остидаги қоронғи зиндонларда сақланарди. Бошқа давлатлардан мужоҳидларга ёрдам бериш учун келган кўнгиллилар ҳам шу лагерда тайёргарликдан ўтиб, мужоҳидлар сафига жўнатиладди. Бизларни – ўн тўрт нафар тутқунларни кундуз кунлари ишлаш учун ташқарига олиб чиқишарди. Асирлар билан лагер ходимларининг алоқада бўлиши қатъий ман этилганди. Шароит оғир эди. Аскарларни истаганча калтаклаш, оғир ишларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқи соқчиларга берил-

ганди. Итоат этмаганларни оч қолдиришарди. АҚШ, Миср, Покистон ва Хитойдан келган йўриқчилар биз билан ишлашарди. Ҳар хил ваъдаларни бериб, ўзларига ишлашга мажбур қилишарди. Йигитлар матонатли эди. Шароит оғир бўлса-да, оч юрса-лар-да уларга сотилмади. Лагер ҳудуди беш юз гектар майдонни ўз ичига олган, олтимиш беш нафар соқчилар кечаю кундуз атрофни қўриқлаб туришарди. Қочишнинг иложи йўқ эди. Бизнинг Бадабер зиндонларида сақланаётганимиздан узоқ вақтгача совет ҳарбийлари беҳабар бўлишган. 40-армия разведка бошқармаси бошлиғи, генерал майор Кокорин ўзининг хотираларида ҳам шу ҳақда ёзиб қолдирган. Қачонки, Покистон ҳаво кучлари лагерни бомбардимон қилаётганда экипаж аъзоси билан авиабаза алоқачилари ўртасидаги радио алоқани тутиб олишгунга қадар ҳарбий раҳбарлар беҳабар бўлишган.

Таҳқирлашлар, хўрлашлар жонимиздан ўтиб кетгач, лагерни қўлга олиш режасини ишлаб чиқдик. Биринчи навбатда радио алоқа ўрнатилган хонани эгаллаш, кейин эса қурол-яроғлар, ўқ-дорилар сақланадиган олтига омборга ҳужум уюштиришимиз лозим эди. Бунга узоқ тайёргарлик кўрдик. Соқчиларнинг алмашадиган, овқатланадиган вақтлари, уларнинг қайси томонга кўпроқ эътибор қаратишлари, туннинг қайси соатида уйқу элителишигача ўрганилди. Соқчилар ҳар икки соатда алмашиб туришлари аниқлангач, ярим тунда уларга қарши ҳужум уюштириш мумкин эмас, деган қарорга келинди. Шундан сўнг намоз ўқиш пайтларига эътибор қаратдик. Турма ходимлари ва хизматчилари бомбод намозини ўқишаётганда ўн тўрт нафар тутқун кичик-кичик гуруҳларга бўлиндик. Биринчи гуруҳ иккита соқчини қуролсизлантириб, омборларни эгаллади. Барчамиз қуролландик. Отишмада бизнинг қўлимиз баланд келди. Аммо Бурҳониддин

Раббоний буйруғи билан тезда қўшимча жангарилар ёрдамга етиб келишди. Уларга ҳам бор кучимиз билан қаршилиқ кўрсатдик. Отишмалар узоқ давом этди. Бронетехника, артиллерия билан қуролланган Покистон армияси ҳам ёрдамга келди. Ҳаводан ҳужум уюштирилди. Раббоний бизларга қурооларни ташлашни ва таслим бўлишни, бунинг эвасига ҳаётимизни сақлаб қолишга ваъда берди. Биз ундан элчихона ходимлари билан алоқа ўрнатилишимиз учун ёрдам беришини талаб қилдик. Талабимиз инобатга олинмади. Жанг янада шиддатли тус олди. Омбордаги минглаб қурооллар, ракетаалар, пулемётлар қўлимизда эди. Раббонийнинг талабини қондирмаганимиздан сўнг лагер ракета ва артиллериядан ўққа тутилди. Покистон ҳаво кучларининг самолётлари ва вертолётлари лагер осмонида пайдо бўлди. Улар бомбалар ташлашди. Омборлардаги ўқ-дорилар портлади, ракетаалар турли томонга учиб, олти ярим чақирим наридаги қишлоқни кулга айлантирди. Лагердан бир ҳовуч тупроқ қолди. Уч кишигина зиндон ичида оғир яраланган ҳолда беҳуш ётардик. Бизни бу ердан олиб кетишди. Ораддан беш йил ўтиб, Раббонийнинг буйруғи билан мени озод қилишди. Собир масаласига келадиган бўлсак, уни сўнгги бор 1985 йил 7 март кунги Қандахор йўлидаги отишма чоғида кўрганман. 1991 йили юртга қайтиб келганимда уни мужоҳидлар билан бўлган жангда пулемётни ва командири Михаил Алексеевич Кузьмичевнинг ҳаётини сақлаб қолиб, ўзи ҳалок бўлганини, ўлимидан сўнг «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланганини эшитдим.

– Ахир пулемёт билан командирингизнинг ҳаётини сиз сақлаб қолганингиз. Нега бунга эътироз билдирмадингиз? – сўради Йўлдошев.

– Қандай эътироз билдиришим мумкин. Мен асирга олинганман.



- Кузьмичев бунни тасдиқлаши мумкин эди-ку!
- У ҳеч нарсани эслай олмасди.
- Урушдан кейин у билан кўришдингизми?
- Биз мактуб орқали боғландик, аммо унинг ҳаётини сақлаб қолганимни эслатишни истамадим.
- Йўлда қочишга уринганлар, отиб ташланганлар бўлгандир?
- Бўлган, лекин мен уларнинг сонини билмайман.
- Қўлга тушган ва лагерда сақланган аскарларнинг сони ва исм-шарифи қандайдир ҳужжатларда сақланганми?
- Биласизми, бизни лагерга олиб келишганда Покистон разведкаси ходими Юсуф Аҳмад ўлган, лагерга олиб кетилган барча офицер ва аскарларнинг ёнларидаги ҳужжатларни олиб қўйган, уларнинг шахсини аниқлаб, рўйхат тузган эди. Бу маълумот мужоҳидлар етакчиларидан бири афғонистонлик Бол Зиё қўлида бўлиши мумкин. Чунки у Аҳмад билан биргаликда ўлик ва тирикларнинг рўйхатини тузарди.
- Сиз бунни қаердан биласиз?
- Юсуф Аҳмад ва Бол Зиё вақти-вақти билан бизларни сўроққа чақириб, ўзлари рўйхатга олган аскарлар ҳақида маълумот беришимизни талаб қиларди.
- Рўйхатда неча кишининг номи бор эди?
- Қисмдан мой олиб келиш учун йўлга чиққан барча аскарларнинг исм-шарифи, туғилган жойлари бўлган! Мени сўроққа олиб чиқишганда ўша рўйхатга кўзим тушган.
- Кузьмичев билан Собир қандай тирик қолган бўлиши мумкин, ахир жангарилар ўлганларни текшириб кўрган. Собир қисмга қайтган бўлса, жасади солинган тобут уйига жўнатилмасди. Мудофаа вазирлиги берган маълумотномада Собир 7 март кунги Қандахор яқинидаги тоғ оралигида бўлган жангда вафот этган дейилган. Маълумотномада

чалкашлик бўлиши мумкин эмас. Лекин қандай қилиб у командирининг ҳаётини сақлаб қолди?

– Бу саволга Кузьмичев аниқ жавоб бериши мумкин. Собир эса жангарилар қўлида ўлган ёки миналардан бирига дуч келиб, портлаб кетган бўлиши мумкин.

Йўлдошевнинг кўнглидаги Собирнинг ҳозирда Афғонистоннинг қайсидир ғорларидан бирида ишлаётганига бўлган ишонч сўнди. У вафот этган. Газетадаги маълумот чалғитиш мақсадида эълон қилинган бўлиши мумкин. Лекин унинг ўлганини ёки асирга олинганини кўрган гувоҳ борми? Кузьмичевнинг кўрсатмасигина полковникнинг шубҳаларига ойдинлик киритиши мумкин.

Полковник ён чўнтагидан газета олиб, унинг орқа саҳифасидаги суратни Наилга кўрсатди.

– Расмдаги йигитнинг Собир эканлигига ишонасизми?

Наил суратга узоқ тикилди. Ниҳоят деди:

– Менимча бу ўхшаш қиёфа. Янглишмасам, Собирнинг юзи чўзинчоқ эди, пешонасининг чап қисмидаги чандиқ изи ҳам бўлмаган. Лекин кўзлари ўхшайди...

Ишхонасига қайтиб келган Йўлдошев Покистондаги резидентга махсус топшириқнома юбориш кераклигини англади.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Краснодардан хабарнома келди. Унда ёзилишича, Кузьмичев ҳақиқатан ҳам ўз қўл остида хизмат бурчини адо этган Собирнинг отишма чоғида ҳалок бўлганлигини, ўлимидан сўнг «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланганини маълум қилганди. Бу хабар чиндан ҳам полковникнинг кўнглини бир четида липиллаб турган сўнгги умид чироғини сўндирди. Қўлидаги ишни ҳаракатдан тўхтатиш керакми, деган саволга бошини қотириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Кутилмаганда полковникнинг миясига «Собир снаряд тегиб ҳалок бўлган бўлса, тошлар остига



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2626> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2626> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2626>